

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 13 сентябрь сешанба № 38 (765)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Парвозинг юксак, толеинг баланд бўлсин, юртим!



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Ўзбекистон авиаторлари ўзларининг касб байрами — Ўзбекистон Республикаси Ҳаво флотининг кунини мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйи арафасида нишонладилар. Президентимизнинг узоқни кўлаб қабул қилган Фармони (1992 йил 28 январдаги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони назарда тутилмоқда) бугун ўзининг муносиб баҳосини олмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси кучли, барқарор, тез ривожланаётган, ҳавода ҳамда ерда йўловчилар хавфсизлиги ва юқори сервисни таъминловчи авиаташув салоҳиятига эга бўлган корхона сифатида жаҳон авиабозорида етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Республикаимизда фуқаро авиациясининг мураккаб инфратузилмасини ривожлантириш модернизациясига йўналтирилган илк қадамлардан бири хорижий замонавий лайнерларни ҳисобига авиапаркин янгилаш дастури бўлди. Унга биноан 2 та «А-310», сўнгра «В-767-300ER», «В-757-200» ҳамда «А-320» ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Ил-114-100» самолётлари олинди. Ҳозир авиапарк 9 та «А-320» билан тўлдирилган. Йил охиригача мазкур самолётлар сони 10 тага етади. Яна 4 та «Боинг-767-300ER» ва 2 та «Боинг-787-Dreamliner» олиш ҳақида шартномалар тузилган.

Янги самолётлардан фойдаланиш амалиёти Миллий авиакомпания Учувчилар жамъиеси тузилмасига ўзгартирилган киритишни талаб этди. Унга биноан жамъиеси юқори техник даражада жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар бажарилди. Учувчилар таркибининг тайёргарлиги экипажларни сафга қабул қилиш билан чегараланмади. Уларнинг касбий маҳоратини ошириш доимий вазифадир. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик юбилейи арафасида замонавий тренажерлар билан жиҳозланган МАК Ўқув-машқ маркази ишга тушди. У мутахассислар тайёрлашда нафақат валюта маблағларини тежайди, балки чет эл авиакомпанияларига тренинг хизмати кўрсатиш орқали даромад олиш имконини ҳам беради.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 62 минг йўловчини манзилга элтиб қўйди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,2 фоиз ўсганлигини билдиради. 11,9 мингта қатнов амалга оширилди. Юк ташини кўрсаткичлари ҳақида шунинг айтиш мумкинки, ярим йилда 24 минг тонна юк ташинди, ўтган йилга нисбатан ўсиш 6,7 фоизни ташкил этди. Узоқ хориж ва МДҲ мамлакатларига қатновлар сони ҳам ортди.

«Тошкент» халқаро аэропортида бир соатда 400 нафар йўловчига юқори сифатли хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги маҳаллий йўналишлар аэровокзали қурилиши ниҳоятга етказилди. Тез орада эса «Бухоро» аэропортига ташир буюрувчиларни юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган, йўловчиларга хизмат кўрсатишда халқаро талаб даражасидаги янги терминал қутиб олади. МАК аэропортлари ва таркибий бўлинмаларида халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган сифат менежменти тизими (СМТ) жорий этилмоқда.

Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муваффақиятли давом этмоқда. Ўтган йили юкларни қабул қилиш, уларни вақтинча сақлаш ва жўнатиш бўйича барча транспорт хизматларини ўз ичига олган янги юк терминали фойдаланишга топширилди. Биринчи ярим йилликда «CARGO» юк терминали томонидан ишлов берилган юклар ҳажми 24,7 минг тоннани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан МАК қатновларида 28 фоиз ортқ юк ташинди. «Навоий» аэропорти орқали юк ташувлар Брюссель Сарагоса, Милан, Шанхай ҳамда Венага амалга оширилмоқда. Шунингдек, «А-300-600» ҳаво кемаларида Франкфурт, Бангкок, Деҳли, Бомбей, Дакка, Истанбул, Доха/Дубай ва Бишкекка қатновлар бажарилмоқда.

Мажмуанинг кейинги ривожланиш босқичи сифатида Навоий шаҳри аэропорти йўловчи терминалини реконструкция ва кенгайтириш ишлари бошланди. Терминал 2012 йилда фойдаланишга топширилади. Ушунда соатига 400 нафар йўловчига юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Авиатехника воситаларининг созлиги ва парвозлар хавфсизлигини таъминлашда «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасининг хизматлари катта. Мазкур жамоа миллий авиакомпания лайнерларидан ташқари хорижий авиакомпаниялар самолётларига ҳам сифатли техник ва таъмирлаш хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Миллий авиакомпания қўлга киритаётган ютуқлар халқаро доираларда ҳам эътироф этилмоқда. Компания қисқа давр ичида икки марта Европа сифат сертификати, Халқаро авиация хавфсизлиги фондининг «Парвозлар хавфсизлиги соҳасидаги муваффақиятлари учун» фахрий дипломи, «Боинг» компаниясининг «Боинг» русумидаги самолётлардан 10 йил мобайнида фойдаланишда эришган парвозлар хавфсизлиги бўйича юқори кўрсаткичлари учун» эсдалик нишонига сазовор бўлди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Эгамберган Полвоновнинг айтишича, Мадрид ва Калининград шаҳарларига янги рейслар очилгани, Нью-Йорк, Киев, Сеул, Бангкок, Алматы йўналишларига қатнов дастурларининг оширилгани компаниянинг салоҳияти изчил юксалиб бораётганидан дарак беради.

Авиаташув тизимини янада такомиллаштириш ва Халқаро авиация иттифоқи — «SkyTeam» аъзоси бўлишга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай натижаларга эришиш эса миллий авиакомпаниямизнинг дунё миқёсида тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, қатор преференцияларга эга бўлиш, рейслар географиясини кенгайтириш, шу орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва юк ташини тизимини жадал ривожлантириш, юртимиз авиасаноати ва туризм индустриясининг изчил тарққий этиши учун пойдевор бўлади.

Алимкул СУЛТОНОВ тайёрлади.

Муҳаррир минбари

Ердаги оғу

ЎЗБЕКИСТОН Экологик ҳаракати матбуот хизматининг «Аҳоли саломатлиги ва экологияни асраш йўлида» деб номланган даъватли мақола-си ва сай-ҳаракатини қўллаб-қувватлаб...

БУ ЗАВОД 36 йилдан бери оғу пуркайди. Унинг кўп бошли аждар оғзидан оловли захар отилган қувурларидан Сурхон воҳасининг 1 миллион 100 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган ҳудуд табиати ҳалокат гирдобига қолмоқда. Сегандирсиз, гап Тожикистон алюминий заводи ҳақида бораёпти. Завод Душанбедан ўттиз беш қақирим ғарбда, Турсунзода шаҳри биқинидаги Регар қишлоғидаги тоғли водий рельефида жойлашган. Завод қувурларидан ўрлаган афюн ҳамда чиқиндиларни шамоллаштиришдаги ҳудудларга ҳайдайди. Бир пайтлар сўлим ва гўзал бўлган ана шу масканди туманларнинг бирида менинг ҳам болалигим кечган. Очиғи, Экоҳаракатнинг Тожикистон алюминий заводи ҳақида яна бонг уриши («Халқ сўзи» газетаси, 2011 йил, 7 сентябрь), Сурхондарё вилояти аҳолисининг бу заводнинг аянчли экологик оқибатлари ҳусусида БМТ Бош Ассамблеясига мурожаатидаги гаплар менинг ҳам юрагимни ўртаб турган оқ-фарёд эди. Алюминий заводи ютиб-ямлаётган ўша ҳудуд ота-юрт ҳурмати, ўз туپроқдошларим, манзилдошларимнинг дадил сай-ҳаракатидан бўғзимга аччиқ изтироб тиглари қадалди.

Мен ўзим билган гапни гапирай: завод Сурхон воҳасининг Жанубий ҳудуди — Саросиё, Узун, Деңов, Олтинсой, Шўрчи, Кумкўрган туманларига салбий таъсир қилиб, экологик ҳаётни издан чиқармоқда. Бир пайтлар воҳанинг нуфузи бўлган Дашнобод қишлоғининг доғруғидан истибод тузуми бошида турган Москвадаги тураларгача хабардор этган пўсти бархит, заролтин пардали, ичи ёқут, ҳар бири чойнакдай-чойнакдай келадиган анорлари йўқ эди. Бужмайиб, пучмайиб, одамнинг мушти ҳолига келиб ичи кул-кўмир бўлиб новдаларда аянчли илиниб турган нарсаларга боқиб ёқа ушлайман. Табиатнинг гўзал мўъжизаси йўқ бўлиб кетди. Завод йўқотиб юборди. Саросиё ёнидаги Сўфий қишлоғи ва унинг атрофидаги узумзорларни оралаб кўринг, юрагингиз қақшайди. Барглари қовжирган худо ургандай ўсимлик ерларчин бўлиб, қақшаб, ер бағирлаб ётганига гўвоҳ бўласиз. Полилардаги барқ уриб ўсиши мумкин бўлган, касалликка чидамли «Наврўз» навли бодринг барглари ўз рангини йўқотиб, худди оловда ёнгани каби емирилиб, қуйиб-қовжираб қолган... Ер — оғу, осмон — оғу... Дов-дафратлар барги эрта баҳордан яра боғлайди, илма-тешиқ бўлиб қолади. Йўқ, бу ваҳима эмас, ҳақиқий ҳолат, ҳақиқий экологик ҳолат шундай.

Уй ҳайвонларининг тишлари тўкилиб, оғзи йиринглаб, жуда ҳам аянчли ҳолдаги доғлар пайдо бўлгани, бу офат ҳайвонот дунёси бошига ҳам балоқазо оловини ёқаётганидан дарак эмасми? Бузоқлар тишсиз туғилмоқда, ҳайвонлар турли хил махлуқ қиёфасига эга бўлаёпти.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини шундай аянчли ахволга солган завод одамларни аяб ўтиради-ми?! Ток қовжираб барги тушиб кетса, ҳайвонлар ириб, тиши тўкилиб кетса, шу ҳудуддаги одамларни соғсаломат ашяпти деб бўладими?! Бу бало-қазодан одамзод қайда бекинди?

Алюминий заводи бир йилда 22 минг тонна захарли модда чиқаради. Шунча захарни шамол Сурхон воҳаси томон ҳайдайди. Шу ҳудуд осмонидан шунча тонна кулфат ёғади, дегани бу. Бундан ташқари, атроф-муҳитга ўта зарарли, ўта хавфли бўлган 120 тонна фторли водород чиқаради. Бир тонна фторли водород минг тонна ис газидан кўра хавфлидир. Шунинг учун ҳам бу ердаги одамлар эндокрин ва суяк-бўғим тизими, нафас олиш йўллари, туғма ногиронлик, флюроз ва онкологик касалликларга чалинмоқда. Завод мўриларидан фторли водород захридан ташқари жуда кўп миқдорда углевод ва олтингургут оксидлари каби захарли газлар ажралиб чиқади. Йирингли бронхит, ўпка шамоллаши, бош айланиши, қон босимининг ошиши каби хасталиклар қўпайиб бормоқда. Завод «маҳсули» — фторли қўшилмалар оналарнинг соғлиғига ҳам даҳшатли тарзда таъсир этмоқда.

Айрим чақалоқлар ногирон туғилмоқда. Жароҳатланган мия, мия шол касаллиги, бел-мия ҳурраси, юқори ва пастки жағдаги нуқсонлар ва бошқа аянчли хасталиклар билан дунёга келадиган гўдакларнинг айби нима? Бу завод кимларгадир мўмай даромад, бойлик келтирса, кимларгадир кулфат, азоб-қуқбат келтирмоқда, энг ёмони, инсонларнинг ҳаётига таъжовуз қилмоқда. Ўғаларнинг соғлиғи, ҳаёти эвазига, керак бўлса, жабр-ситам кўрган минг-минглаб қишлоқларнинг қарғишдан сўнг бунёд бўлаётган бу бойлик «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси раҳбарларининг қулғонини қар, қўзини эса кўр қилиб қўйганга ўхшайди.

Тўғри, қулғон қар, қўзи кўр бўлса ҳам одам узоқ яшаши мумкин, лекин ҳақ етишмас, сассиқ захарли газ ҳавони оғуға айлантиса, хавосизликда яшаб бўлмайди. Тоғи захарланган, боғи захарланган, суви, дала-тузи захарланган одамларнинг, киндик қони тўқилган ерга нисбатан илдири чўқур кетган одамларнинг, сабр қосаи тўлиб бораётган Сурхон аҳолисининг БМТ Бош Ассамблеясига мурожаатида айтилгани каби завод фаолиятини тўхтатиш, шу ҳудуд аҳли, флора ва фаунасига завод етказган зарарни аниқлаш учун халқаро мустақил экспертлар иштирокида экологик экспертиза ўтказиш, заводни янги қурилмалар билан жиҳозлаб, атроф-муҳитга зарар етказмаслигини кафолатлаш, заводнинг бир неча ўн йил ичида аҳоли ва шу ҳудуд атроф-муҳитига етказган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини юклал аниқ мудоадир.


Алюминий заводидидаги жаноб турлар ва ундан бойлик ортириш учун ҳар қандай қабоҳатдан қайтмаслик мумкин деган «ишбилармон» кимсаларга завод булғаётган ҳудудда сенинг ота-онанг, мурғак болаларинг яшаётганини, дейлик, отанг тери саратонига йўлиқиб, танаси йиринглаб оқиб тушаётгани, онанг кўрак беги саратонидан азият чекаётгани, бўй етган қизингнинг буюқдан бўғилаётгани-ю ўғлингнинг ногирон бўлиб қолганини бир кўз олдингга келтир, дегим келаяпти...

Экисини ҳайдаб, мушугини «пиш» десанг, судга бериб, матбуотда аюҳаннос соладиган қавмлар бор... Бу ҳолини ТВда кўриб, газеталарда кўп ўқиямиз. Бироқ, ўз она заминидан тинч, ҳалол яшаётган бағрикенг, оқибатли, иссиқ-совуғида доимо бирга бўлган қон-қариндош, узоқни ўйлаган қўшни халқ бошига мусибат тушишга сабаб бўлаётган кимсалар, завод мурватини қўлда ушлаб турганлар бугун дунё бўйлаб содир бўлаётган турли кулфатлар замирида экологик номутаносиблик ётганини англашлари керакка ўхшайди. Улар буни қанча барвақт ангаласалар, шунча яхши бўларди...

Кўчор НОРҚОБИЛ

Долзарб мавзу

Инсон сув яратолмади...



бирок сув муаммосини ёхуд ундан келадиган офат-кулфатларни ўзи юзага келтирмоқда

Тадбир

Водий бўйлаб тарғибот

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Андижон вилоятининг Марҳамат тумани ва Асака шаҳрида, Фарғона вилоятининг Қувасой ва Фарғона туманлари ҳамда Наманган вилоятининг Наманган ва Мингбулоқ туманларидаги коллеж ва лицейлар ўқувчи-ёшлари иштирокида «Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!» мавзусида учрашувлар ўтказилмоқда.

Тадбирларда Адлия вазирлиги, туманлар ҳокимликлари масъул ходимлари, давлат ва нодавлат идоралари вакиллари, фуқаролар, маҳалла раислари ва маслаҳатчилари, 3000 нафар

ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Учрашувлар давомида Адлия вазирлиги томонидан яратилган «Мен буюк ва муқаддас Ватан фарзандиман» деб номланган махсус фильм намойиш этилди.

Тадбирлар сўнггида иштирокчилар сафидан «Хуқуқ билимдонлари» аниқланиб, уларга Адлия вазирлигининг Фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

PS: Адлия вазирлиги ташаббуси билан шу йилнинг 15 сентябрида соат 11.00 да пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Энг яхши хуқуқ тарғиботчиси» республика танлови голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Юқоридаги хабар ҳамда мазкур тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонидида «Махсус репортаж» руқни орқали танишасиз.



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

ХАЁТНИНГ БАРАВЖ ИЛДИЗИ

РОССИЯ телеканалда сув ҳақида фильм кўрсатишди. Жазирамада сув қидириб ўзлари яшаётган маконни ташлаб кетётган қабила кўч-кўронларини от араваларига ортган. Чўлу бийбонда эса ҳаётдан асар ҳам йўқ. Болалар, қариялар, беморлар сувсизликдан жон бермоқда. Яратганнинг иноятини қарангки, кечга яқин кўҳда бир парча булут пайдо бўлиб ёмғир шаррос куйди. Одамлар осмонга оғизларини очиб ётиб олишди. Карвонга жон кирди. Шунда сувсизликдан беҳуш ётган аёлни кўрган бир йигит отнинг тўғғи изида қолган сувни қошиқда аёлнинг оғзига куйди. Аёл кўзини очди...

Сув — бу ҳаёт. Одамлар яшаш учун доим сув бор жойга интилади. Юртимизнинг асосий қисми икки дарё ораллиғида жойлашган... Атрофимизни денгиз ўраб олмаган бўлса-да, шунга ҳам шўқ қиламиз. Аму билан Сир халқимиз учун ХАЁТ дарёси сифатида неча асрларки, хизмат қилмоқда. Мовароуннахр — бу икки дарё ораллиғи дегани-ку. Бундан ташқари, юртимизда Норин, Зарафшон, Сангзор, Қашқадарё каби 14 дан ортиқ кичик дарёлар юртимизнинг боғу роғларига, далаларига сув узатиб, қут-баракато этмоқда.

Сир эмас, бу йил об-ҳаво ғоят ноқулай келди. Қўчи сув танқислигининг салбий таъсири барча вилоятларимизда яққол сезилмоқда. Сув кам, деб деҳқонларимиз қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Имкониятларини ишга солди. Бозорларимиз мева-чевага, қовун-тарвузга мўл. Бу маҳсулотлар сувсиз бўлмайди-ку, ахир. Ишнинг кўзини билган галлакорларимиз ҳар қатра сувдан тежаб-тергаб фойдаланишди. Бунга Юртбошимиз Ўзбекистон галлакорларига йўллаган табриғида алоҳида таъкидлади: "...Сув танқислиги ўз навбатида сўғориладиган майдонларда ҳам жиддий муаммоларни туғдиради. Тупроқда намлик даражасининг етишмаслиги, ҳаво

— Сенга сувни текин беролмайман. Чунки мен сувга пул тўлайман, — деса бўладими.
— Ахир, мен меҳмонман-ку, — дедим қулиб.
— Меҳмон бўлсанг ўзингга, — деди.


ЗУЛҚАРНАЙН ҚИЗИҚҚАН ЧАШМАЛАР...

Дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам ичимлик суви қимматбаҳо нархда аҳолига сотилади. Ичишдан бошқа эҳтиёжлар учун махсус қувурларда техник сувлардан фойдаланилади.

Сув — бебаҳо неъмат. Аммо ҳар биримиз ҳам ундан тежаб фойдаланаямизми? Кўпчилигимиз бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ҳатто йиллаб сув ҳақини тўламаётганлар оз эмас, десак ҳатто қилмаймиз. Мутахассисларнинг фикрича, пойтахтимиз сув таъминоти бўйича дунё мамлакатлари ичида етакчи ўринни эгаллайди. Чунки, пойтахтимиз ичимлик суви билан туну кун узлуксиз таъминланади. Бу сўзларни келтиришимизнинг боиси дунёдаги кўпгина ривожланган давлатларнинг нуфузли шахарларида ҳам техник сувлардан ташқари ичимлик сувлари кўннинг маълум вақт-

мамлакатларидан келган сайёҳлар ҳам бу нур чашмаси суви-дан олиб кетишади. Чашманинг сув чиқадиган икки кўзи бор. Бири айнан чашма суви йиғилиб тарқайдиган ҳовуз тағида, иккинчиси чашманинг шарқий томонида. Худди шу чашма Нурота шаҳри яқинида жойлашган Деҳқабаланд қишлоғидаги чашма билан боғланган. Қадимда шаҳар қамал қилинган кезларда ҳам чашма суви борлиги учун аҳоли сувсизликдан қийналмаган. Нуротанинг тарихий сув манбаларидан яна бири — қоризлар ҳисобланиб, бу иншоотлар эрамиздан аввалги 329-йилда пайдо бўлганлиги тарихдан маълум. У қадимий ирригация иншооти ҳисобланиб, ундан Нурота шаҳри атрофидаги аҳоли ичимлик суви сифатида ҳамда боғ-роғларни сўғориш мақсадида фойдаланилган. Қоризларга ўз даврида ҳатто Александр Македонский ҳам қизиқиб, уларни кўздан кечирганлиги ҳақидаги тарихий маълумотлар бизгача етиб келган. Кейинги йилларда икким ўзгариши туфайли қурғоқчилик юзага келиб, қоризлар суви қўриб бошлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 85 фоизи водопроводлашган тоза ичимлик суви билан таъминланган. 15 фоиз аҳолимиз эса булок, қудуқ ва махсус насослар



Инсон сув яратолмади...

бирок сув муаммосини ёхуд ундан келадиган
офат-қулфатларни ўзи юзага келтирмоқда



(скважина) орқали олинадиган сувлардан баҳраманд бўлишди. Эътиборлиси, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми экологик тоза сувни истеъмол қилади. Бу кўрсаткичларни ер шарни аҳолисининг 25 фоизи сувсиз жойларда яшаш билан таққослайдиган бўлса, биздаги кўрсаткич жуда юқори эканлиги маълум бўлади.

ҲАР НАРСА ЎЗ ЙЎЛИГА, БИРОҚ СУВ...

Статистик маълумотларда қайд этилишича, дунё аҳолисининг ярим миллиарддан ортиғи сифатли ичимлик сувиغا муҳтож. Ҳар йили 3 миллиондан кўпроқ инсон сувсизликдан вафот этмоқда. Ҳар куни 60 минг бола ифос сувдан заҳарланади.

Яқинда радиодан эшитиб қолдим. Хорижий давлатларнинг бирида сунъий гушт ишлаб чиқара бошлаганини эшитиб қолдим. Аслида бу халқроқ ҳуқуқий нормаларга зид. Бу борада юридик фанлари номзоди Ф.Бурунов ва тадқиқотчи А.Ахромов шундай ёзади:

"Ҳозирги кунда икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасидан оқиб ўтувчи дарёлар мақоми-ни ҳуқуқий тартибга солиш долзарб масалалардан бирига айланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сув маса-

БАРЧАМИЗГА БАРОБАР НЕЪМАТ

Сув — Яратганнинг бебаҳо неъмат. Шундай экан, ер юзидеги барча инсонлар шу неъматдан тенг фойдаланиши керак. Бу фикрларимиз дунёдаги трансчегаравий сув хавзаларига тегишли. Дунёдаги базми дарёлар 3-4 давлат ҳудудидан ўтади. Айрим дарёнинг юқори қисмида турувчи давлат раҳбарлари ўз манфаатларидан келиб чиқиб суви дамбалаб қўйишга ҳаракат қилади. Аслида бу халқроқ ҳуқуқий нормаларга зид. Бу борада юридик фанлари номзоди Ф.Бурунов ва тадқиқотчи А.Ахромов шундай ёзади:

"Ҳозирги кунда икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасидан оқиб ўтувчи дарёлар мақоми-ни ҳуқуқий тартибга солиш долзарб масалалардан бирига айланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сув маса-

ташаббустлар қабул қилинган бўлиб, шу вақт давомида мазкур йўналишда 150 га яқин шартнома имзоланган".

Муаллифларнинг ёзишича, ер юзидеги дарё ва денгиз сувларидан аҳиллик билан фойдаланиш, ҳаммага етиб ортади. Бироқ, соҳага оид халқроқ қонунлари меъмаслиқ давлатлараро низолабга сабаб бўлмоқда.

"Давлатлараро муносабатларда трансчегаравий кичик дарёларнинг сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш борасида ҳуқуқий асоснинг яратилмаганлиги низоли ҳолатларни юзага келтирувчи омил бўлишини Жанубий Кавказ минтақасидаги давлатлар — Грузия, Арманистон ва Озарбойжон республикалари мисолида кўриб чиқиш мумкин, — дейди олимлар ўз фикрларини давом эттириб. — Минтақада Арманистон ва Грузия Озарбайжонга нисбатан денгиз сатҳидан баландда жойлашган, шу сабабли трансчегаравий сувларнинг қўйи оқими шу давлат ҳудудига тўғри келади. Бугунги кунда биргина Озарбойжон Республикасидан 21 та трансчегаравий сув хавзалари оқиб ўтади. Жанубий Кавказ мамлакатлари ичиде факатгина Озарбойжон БМД ЕИКнинг "Трансчегаравий сувлар ва халқроқ қўллардан фой-

носабатларни икки томонлама идоралараро имзолаган бир нечта Келишувлар асосида тартибга солиб келмоқда. Бироқ, Арманистон билан трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масаласи ҳозирги кунда Тоғли Қорабғо ҳудудий келишмовчилиги туфайли ижобий ҳал этилмади.

Шу билан бир қаторда, кўп йиллардан бун Озарбойжон Республикаси ҳудудига оқиб қирувчи трансчегаравий сувларнинг ифлосланиш даражаси юқорилигича қўлаётганлиги кузатишмоқда. Хусусан, Арманистон орқали республикага оқиб қирувчи Охчухай дарёси шу даражада ифлосланганки, ҳатто маҳаллий аҳоли уни "ўлик дарё" деб атайдиган.

Марказий Осиё мамлакатларида ҳам юқоридагидек сув билан боғлиқ муаммолар етарли. Айниқса, Тожикистон Республикасида қуриладиган Роғун ГЭС қурилиши ҳақида нафақат Марказий Осиёлик олимлар, балки соҳанинг етук хорижий мутахассислари ҳам ўзларининг фикрларини билдиришмоқда.

"Гидролойiha" МЧЖ директори С.Жигарёвнинг таъкидлашича, Роғун лойиҳаси — Марказий Осиё учун цунамидан ҳам хавфлироқ. Агар бу ҳудудда Япониядаги каби кучли zil-зила рўй берадиган бўлса, баландлиги 335 метрдан зиёд тўғонга чуқурлиги 300 метрдан юқори бўлган сувнинг қучли ва катта босими тушади. Оқибатда тўғон унга дош беролмай, пойдевори силкийдиган ва ўпирилиш юз беради. Тўғоннинг ўпирилиши Марказий Осиё мамлакатлари учун, авваламбор, Тожикистоннинг ўзи учун мисли қўрилмаган фалокат олиб келади. Воқеалар шу зайдда ривожланадиган бўлса, катта миқдордаги сув паства сониясига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда Нуреқ ГЭС томон ёпирилади. Нуреқ ГЭС тўғони бутунлай вайрон бўлиб, Нуреқ шаҳри баландлиги 280 метр ва тезлиги 68 метр бўлган сув босими остида қолади. Сарбон, Кўргонтепа ва Румий шаҳарларини бутунлай сув босади. Сув тошқини зарбига биринчи бўлиб ушбу шаҳарлар дуч келади ва Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг бошқа ўнлаб шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктларини сув босиб кетади.

Ҳаётнинг аччиқ-чуққини кўрган кексалар сув балосидан ўзи асрасин, дея бежиз дуо қилишмайди. Фалокат қай вақтда бўлишини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмайди. Бироқ, ҳаётда ҳамма нарсаси бўлиши мумкин. Тожикистон Бош вазир А.Оқиллов ўтган йили Роғун ГЭСи қурилиши хавфи хусусида Ўзбекистоннинг сўровига юборган жавобида Роғун ГЭСи қуриладиган зонада 6 баллдан қучли zil-зила бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлаган.

Жорий йилнинг июль ойида юз берган ер силкиниши кимнинг ҳаёлига келибди дейсиз. Дарёлар ўз ўзанида оққанига нима етсин.

Амударё билан Сирдарё неча асрларки, Марказий Осиё халқларининг фаровонлигига хизмат қилиб келган. Шу ерлик миллат ва элатлар сув оила бўлиб, икки дарёдан сув ичиб инок, аҳил яшаб келган. Сув ҳам, табиий бойликлар ҳам барчага етиб ортган.

Бугунги кунда бу ҳудудда 50 миллиондан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Олимларнинг айтишича, бу ҳудудда яна шунча аҳолининг яхши турмуш кечириши учун барча табиий бойликлар етарли экан. Жумладан, СУВ масаласида ҳам. Фақат бу борада ақл билан иш юритилса бас.

**Зайниддин
МАМАДАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун"
муҳбири**

Қонун доирасида

Ноқонуний жарима

қўлланишига йўл қўйилмаяпти

ТАДБИРКОРЛИК субъектлари жамиятнинг иқтисодий негизи ҳисобланиб, бозор муносабатларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Шу боис уларга кенг имкониятлар яратилиш, иш фаолиятларида дуч келадиган тўсиқларни бартараф этиш долзарб масалалардан биридир.

ШУНИ алоҳида эътироф этиш керакки, сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга доир Президентимизнинг қўпбал фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Бу қарорлар замирида тизим фаолиятини бевосита кенгайтириш, зарурий имтиёзлар яратишни ўз ичига олади. Аммо, ҳанузгача тадбиркорлар фаолиятини, банклардаги уларнинг операцияларини ноқонуний тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни ноқонуний қўллаш, текширишларнинг белгиланган тартибини бузиш, солиққа тортиш ва солиқ бўйича имтиёзларни қўлласмаслик ҳолатлари содир этилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Шу сабаб адлия идораларига келиб тушаётган аризалар пухта ўрганилиб, тадбиркорлик субъектларининг асоссиз жаримага тортилишларининг олди олинмоқда.

Хусусан, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг даъво аризаси ва апелляция шикоят асосида вилоят ҳўжалик судининг 2011 йил 2 февралдаги қарорига асосан Жиззах туманидаги "Холбуви-ая" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддаси, 3-бандига асосан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси юзасидан Жиззах вилояти ҳўжалик судининг 13-1005/14513-сонли ҳўжалик иши юзасидан 2010 йил 14 декабрь куни қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, вилоят адлия бошқармасининг даъво аризаси қаноатлантирилди ва Жиззах тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2010 йил 8 октябрдаги "Қорхона ва ташкилотларда ўтказилган текширишлар ҳақида"ги қарори ҳақиқий эмас деб топилиб, тадбиркорлик субъектининг асоссиз равишда 4.521.500 сўм миқдорда молиявий жаримага тортилишининг олди олинди.

Бу шундан далолат берадими, мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни жадвал ривожлантиришга қаратилган кенг норматив база яратилди, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари қонуний мустаҳкамлаб қўйилди.

**Аширқул ЭШБЕКОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси
бошлигининг биринчи ўринбосари**

Ёшлар нигоҳи

Мен истиқлол фарзандиман

ИНСОНИЯТ пайдо бўлибдики, эркак интилиб яшайди. Озодлик энг муқаддас тушунча. Зеро, эркинлик ва озодлик таъминланган жойда инсон ўзлигини намоён қила олади, шундангина бунёдкорлик, ободлик, тараққиёт, фаровонлик ва коммуналликка эришиш мумкин.

ЮРТБОШИМИЗ айтганларидек, мен учун Ўзбекистон дея аталмиш гўзал ва бетакорр ўлкада туғилиб, унинг бағрида камол топаётганлигим, мустақил мамлакатнинг ҳур фарзанди эканлигим катта бахт. Халқимизга эркинлик ва озодлик, бахту саодат, умид ва ишонч суруни бахш этган энг улўғ, энг муқаддас айём — истиқлол санаси билан тенгдош эканлигим қалбимда фахр ва гурур уйғотаяди. Зеро, мустақиллик — ёрўғ истиқболимиз, келажакимиз кафолатидир.

Ватан озода ва мустақил бўлса, унинг бағри жаннат боғларидек обод, хонадонлари файзли ва фаровон, одамлари бахтли, фарзандлари эса билимдон ва эзўқ бўлади. Шунинг учун Ватан озодлиги ва мустақиллиги ҳар бир фарзанди учун жон каби азиз ва муқаддасдир.

Ватан озодлиги ажодларимизнинг буюк армони ва муқаддас эътиқоди бўлиб, улар бу йўлда жонларини фидо қилишдан ҳам қайтмаганлар. Широк матонатли, Тўмарис жасорати, Нахмиддин Қўбро, Жалолиддин Манғуберди, Амир Темуэр каби буюк ажодларимиз, шунингдек, ўтган аср бошларида яшаб ўтган маърифатпарвар боболаримизнинг озодлик йўлидаги қурашлари ватанпарварлигининг юксак намунасидир. Уларнинг қарамонлиги ва фидойиликлари, ҳаёт йўллари биз ёшларга ҳаммаша ибрат бўлиб қолади.

Мамлакатимизда биз ёшларга қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик энг юксак даражага кўтарилган.

Ўз навбатида юртимиз фарзандлари ўз билим ва иқтидорларини бутун дунёга намойиш этиб, Ватан шайнини янада юксакларга кўтармоқда. Мустақил Ўзбекистон ёшлари халқроқ спорт ва фан олимпиадаларининг юқори шохсупаларини эгаллаб, ватанимиз байронини баланд кўтармоқдалар. Истеъдодли тенгдошларимиз миллий хунариданчиликнинг мўъжизавий безак ва буюмлари билан жаҳонни лол қолдирмоқда.

Ҳа, давлатимизда ёшлар учун барча имкониятлар эшиги очик, фақат ундан унумли ва самарали фойдалана билмас бас. Бу борада Президентимизнинг қўйидаги сўзлари барчамизни янгидан-янги марраларга ундайди: **"Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришчилик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолшадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билиш зарур..."**

Бизларга қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар замиридаги улкан ишончини бир зум ҳам унутишга ҳақимиз йўқ. Ватанимизни, мустақиллигимизни қўз қорачиқдай асраб-авайлаш биз ёшларнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро Мустақиллик тисмолида биз ўзимизни, ёрўғ келажакимизни, бахту иқболимизни қўраимиз.

**Наргиза НАЗАРОВА,
ТДЮИ 1-курс талабаси**

Адлия муассасаларида

Ватан меҳридан
улғаяётган авлод

миллат бахти ва юрт равнаки учун хизмат қилади



ИСТИҚЛОЛИМИЗ шарофати, Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ҳаётидаш ўзгаришларга асос бўлди. Жамиятни янгилаш, модернизациялаш, мамлакатнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш, пировард натижада халқимизга муносиб турмуш тарзини яратиб беришга қаратилган бу ўзгаришлар ҳар биримизнинг ҳаётимизни ёруғ манзиллар томон буриб юборди. Ўзимизга, Ватанимизга, унинг келажагига, жамиятга бўлган муносабатимиз ўзгача мазмунга эга бўлди. Бу эса бунёдкорлик, ободлик, ривожланиш каби омилларда ўз аксини топди. Тошкент юридик коллежи директори Наталья ТЕМИРОВА билан суҳбатимиз ҳам ана шу ҳаётбахш ўзгаришлар ҳақида бўлди.

— Наталья Собирова, Айтинг-чи, йигирма йил давомида улкан ўзгаришлар сизнинг назарингизда, энг аввало, нима-ларда кўзга ташланади?
— Ҳаётни қузатаётган одам эътиборли ҳолатни дарров илғаб олади: Истиқлол йилларида одамларнинг дунёқараши буткул ўзгарди. Қаранг-а, озодлик нашидасини суриш, дунёдаги ҳеч бир давлатдан кам бўлмаган шароитларга эга бўлиш, муносиб турмуш кечиришга ҳаққи борлигини англаш туйғуси қандай ижобий натижалар бермоқда. Юртимизда яратиш, яшатиш, обод қилиш жараёнининг илдири ҳам шу ерда. Назаримда, истиқлол берган энг катта

бераймиз. Ҳолбуки, йигирма йил олдин бундай гапларни онгимиз қабул қила олмадди.
— Тошкент юридик коллежи ўз йўналиши, нуфузи жиҳатидан ўрта-максус ўқув юртлири орасида алоҳида обрўга эга. Бу ютуқларнинг сабаби нимада?
— Таъбир жоиз- бўлса, коллежимизни ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим бўлини деб атаган бўлардим. Зеро, бу ерда қарийб 3600 нафар ёшлар малакали ҳуқуқшунослар, олимлардан сабоқ олади. Ҳар йили коллежини мингдан ортқ ёшлар битиради. Бинобарин, уни битирган ҳар бир талаба юзлаб юртдошларимизга ҳуқуқий муаммоларни

тир. Гарчанд, ҳуқуқий таълим муассасаси ҳисоблансада, бизда спорт машғулотларининг мунтазамлиги таъминланган. Бу эса ўз натижасини берапти.
— Сизнингча, ёшларни турли хатарли йўллarga бошлайдиган таълимот ва даъватлардан ёки "оммавий маданият" каби пуч гоялардан асраш нечоғлик долзарб аҳамият касб этмоқда?
— Баркамол авлод тарбияси йўлида ғов бўлаётган хатарларга биз педагоглар асло бефарқ эмасмиз. Бунга ҳақимиз ҳам йўқ.

Афсуски, фикрлашдан маҳрум қилишга қаратилган бачкана маданият гоялари ёшларимиз тарбиясига жиддий ҳавф туғдиришмоқда. Бачкана мусика, ярим-ялонғок кийиниш, бетайин турмуш тарзи, атрофдаги одамларга муносабатда худбинликка берилишга асосланган "оммавий маданият" асрлар давомида шаклланган миллий маданиятимизга, биз барпо этмоқчи бўлган ҳуқуқий давлат гояларига мулқоқ зид.

Тасаввур қилинг, ёшларимиз ўз ота-онасини писанд қилмаслик, оиладан бешиш, пулнинг орқасидан қувиш ва унга сийғиниш даражасига тушиб қолса. Ҳаётдан жиддий мақсади бўлмаса, эзгу гояларни писанд қилмаса, маърифатга эмас жаҳолатга хизмат қила бошласа. Биз ўзимизни кечира оламизми? Ватан, миллат тақдири нима бўлади?

— Наталья Собирова, кўпчилик сизни нафақат ҳуқуқшунос, балки жамоат фаоли сифатида ҳам яхши билади. Кузатишларга қараганда, бу борадаги фаолиятингиз фақат депутатлик билан чекланган эмас.
— Биласизми, жамоатчилик тадбирларида ҳам, депутатлик фаолиятимда ҳам барибир ҳуқуқшунослигим муҳим ўрин тутди. Маҳалладаги қўйди-чикди моҳорларидан тортиб, шаҳар кенгаши томонидан қабул қилинаётган қарорларга ҳуқуқий баҳо беришгача бўлган жараёнларда кўпроқ ҳуқуқшунослигим қўл келади.

Оилаларнинг тотувлигида, аҳолининг турмуш шароитлари юксалишида ёнқи шарҳнинг турли гушаларидаги бунёдкорлик, ободлик жараёнларида сенинг ҳам ҳиссанг борлигини ҳис қилиш инсонга кўтариник кайфият беради. Эзуликка илҳомлантиради, яхшилик сари ундайди.

Абдурахмон МУСТАФОКУЛОВ
суҳбатлашди.

БУГУНГИ КУНДА мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 40 фоизини ташкил этади. Ана шу боис мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор берилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ёшларимизга оталарча ғамхўрлик қилмоқда. Уларга ишонч билдирмоқда. Ёшларни ўз юрти билан фахрланишга ундаб шундай дейди: **"Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалб-бингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севги, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин"**.

Мустақиллик йилларида болалар тўғрисида бир қанча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар бугун ҳаётга таъбиқ қилинмоқда. Конституцияимизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгиланган. Асосий қону-нимизнинг 64-моддасида эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга ет-гунларига қадар боқиб ва тарбия-

Фахр

Истиқлол ниҳоллари

бугун ўз мевасини бермоқда

лашга мажбур экани, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарни васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, болаларга йўналтирилган хайрия фаолиятини рағбатлантириши қайд этилган. Конституциянинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустақамланган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу борадаги ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосла-**

ри тўғрисида"ги (1991), **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"**ги (1992) қонунлар, бир қатор кодекслар, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури (1997) қабул қилинди. Бу даврда Ўзбекистон вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди.

Мустақиллик йилларида вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, бунинг учун масъул давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, қишлоқ жойлардаги йигит-қизларни иш билан таъминлаш, спорт билан шуғулланиши учун катта им-кониятлар яратилди.

Кейинги йилларда вояга етмаган-

лар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиб мақсадида ёш исъёдо-лар учун "Ниҳол" мукофоти (2006), "Келажақ овози" республика танло-ви (2006) тасис этилди.

Халқимиз Ватанимиз мустақил-лигининг 20 йиллигини кенг ни-шонламоқда. Утган давр оралиги-да ёшларга қилинган ғамхўрликлар ўз самарасини берди. Кўплаб ёшларимиз дунё миқёсидаги хал-қаро мусобақаларда, фар олимпи-адаларида юртимиз шафони му-носиб ҳимоя қилиб, Ватанимиз бай-роғини баланд кўтармоқда. Бу юту-қлар ёшларга қилинган ғамхўрлик-лар меваси эканлигини яхши би-ламиз.

Бекмурод ФОРИҚОВ,
Тошкент вилояти
прокурорининг ёрдамчиси

Тадбир

Маҳаллада учрашув

қонун тарғиботига
бағишланди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш, улар ўртасида содир этиладиган турли ҳуқуқбузарликлар ва ноқўш ҳаракатларнинг олдини олиш борасида асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

САЙХУНОБОД ТУМАНИ "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбир "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли" таъбирига бағишланди.

Давра суҳбатда мутахассислар томонидан маҳалла фуқароларига вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тушуначиси, ушбу фаолиятнинг асосий вазифалари, принциплари ҳамда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари тўғрисида ҳамда бу борада адлия идоралари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Таъкидландики, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва маънан етук шахс этиб тарбиялашда энг аввало, оила ва маҳаллада ҳар томонлама соғлом муҳитни яратиш зарур. Бунинг учун эса, албатта, ҳар бир маҳаллада ҳуқуқий-маънавий тарғибот ишларини кучайтириш лозим бўлади. Тадбир сўнггида вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва са-водхонлигини оширишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг адлия органлари, жамоат бир-лашмалари билан ўзаро яқин ҳамкорлигини таъ-минлаш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Шавкат НОРКУЛОВ,
Сирдарё вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

Меъёр

Исм-шарифингизни ўзгартирмоқчимисиз?

Бунинг учун қонуний асос бўлиши лозим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Оила кодексининг 226-моддасида 16 ёшга тулган шахслар узрли сабаблар бўлган тақдирда фамилия, исми ва отасининг исмини ўзгартириш мумкинлиги белгиланган.

БИРОҚ, ҳозирги пайтда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш учун узрли сабабларнинг тўлиқ рўйхати эмас, балки уларнинг айримлари кўрсатилган, ҳоло.

Жумладан, бундай сабабларга:
— агар фамилия, исм ва ота исми эшитилишда ёқимсиз бўлса;
— агар фамилия, исм ва ота исми миллиятга тўғри келмаса;

— хоҳишга қараб, никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтиш истагининг бўлиши;
— оилада бир йил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса);
— 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **"Давлат тили тўғрисида"**ги Қонуннинг 15-моддасига асосан (ушбу моддага кўра, Ўзбекистонда яшовчи шахслар, миллиятдан қатъи назар, ўз исми, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий аънаёларга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадир);

— ФХД идораси томонидан узрли, деб топилган бошқа асослар қиради. Бундан ташқари, мураккаб бўлган

фамилия (масалан, Саидаборму-сахўжаев, Каримхўжамахмуд) ва исмларни соддалаштиришни хоҳловчи фуқароларнинг илтимоси ҳам асослидир.

Қайд этилган фамилия, исм, ота исми каби ўзгартиришлар киритиладиган далолатнома ёзуви йўқолган, сақланмаган ҳолларда фамилия, исм, ота исми далолатнома ёзуви тиклангач, амалга оши-рилади.

Айрим ҳолларда ФХД органи-га фуқаролар мерос олиш мақса-дида ёки ўзи тарбиялаган фарзанд-нинг фамилия, исм, ота исмини олиш мақсадида фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ҳақида муро-жаат қиладилар. Кейинги йиллар-да эса иш фаолиятимиздан шу нарса маълум бўлмоқдаки, айрим фуқаролар яна бир бор четга чи-қиш имкониятини қўлга киритиш мақсадида исм-шарифини ўзгарти-риб, гувоҳнома беришни сўраб ил-тимослар қилишмоқда.

Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганилик учун давлат бож-лари ундиришда ҳам турли хил кўришилларга дуч келиш мумкин. Ваҳоланки, Қонунга кўра, 17-18 ёшда-ги шахслардан минимал иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан, 18 ёшга тулган-дан кейин эса минимал иш ҳақининг бир боровари миқдоридан бож ундири-лиши Қонунда белгиланган.



Кези келганда яна бир муҳим ҳолат тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Оила кодексининг 226-моддаси, 2-қисмига кўра, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги ФХД идора-си ҳулосаси ички ишлар идоралари то-монидан ушбу шахс тегишли текши-

рувдан ўтказилгандан кейингина ту-зилиши мумкинлиги таъкидланган. Бундай текширишларни ўтказиш учун ички ишлар бўлимига 30 кун муддат берилган. Шу муддатда ички ишлар идораси ўзининг ижобий ёки салбий ҳулосасини бериши шарт. Агар шахс терговда ёки судланган бўлиб, судланганиги олиб ташлан-маган ёхуд бошқа салбий ҳолат-ларда ички ишлар идораси рад ҳу-лосаси бериши мумкин. Судланган-лик олиб ташланган, шахсга фами-лия, исм, ота исмини ўзгартириш-га рухсат берилиши мумкин. Ички ишлар бўлимининг ҳулосасини (ижобий тарздаги) олган, ФХД идораси мудири шахснинг ариза-сини қаноатлантириш ҳақида ҳуло-са тузади ва тегишли давлат бож-и тўловларини ундириб, далолатнома ёзувида ўзгартиришлар киритади ҳамда янги гувоҳнома беради.

Кўрсатиб ўтилган талаблар фа-қатгина узрли сабаблар бўлгандаги-на амалга оширилади. Шу сабабли ФХД органидаги юқори малака-ли, ҳаётий тажрибага эга бўлган,

билимли ҳуқуқшунослар фаолият кўрс-атиши талаб этилади.

Манзура МАКСУДОВА,
Шофиркон тумани ФХД
бўлими инспектори

